

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"GRAPES AND GARDENS INVESTMENT" AJ

Объявление

"GRAPES AND GARDENS INVESTMENT" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАНЛОВ

“Grapes and Gardens Investment” АЖ мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади!

“Grapes and Gardens Investment” АЖ устав фондига киритилган улуш қиймати ҳамда жамият таъсисчилигида ташкил этиладиган МЧЖ га мол-мулк сифатида киритилиши кўзда тутилган улушларнинг бозор қийматини аниқлаш юзасидан мустақил баҳоловчи ташкилот жалб этиш бўйича баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси, бунда суғурта суммаси 1млрд.сўмдан ортиқ бўлиши керак;
- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Баҳоланган корхоналар рўйхати;
- Баҳоловчи ташкилотлар уюшмасига ёки баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2020 йил 20 июль соат 10:00га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Ўзбекистон Республикаси, Индекс: 150100, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси 40 уй.

Маълумот учун телефон: (+99891) 651-88-58

08.07.2020

Источник: <http://openinfo.uz/en/announce/9181/>

Дата: 29.09.2020